

Шохрух ЎКТАМОВ

# АВТОНОМ СИЁСАТЧИ

*Ёлғиз дарахт ўсар экан, кучли ўсади...*

«Фарғона» нашриёти,  
2020 йил

УЎК: 177.82(045)

КБК: 88.52я44

Ў 68

## **Шохрух ЎКТАМОВ**

**Ў68 АВТОНОМ СИЁСАТЧИ:** мақолалар; публицистик-оммабоп нашр; кирилл ёзувида; Ш.Ўктамов. – Фарғона: «Фарғона» нашриёти, 2020. – 72 бет.

Инсонда нафақат ўзи, балки бошқалар тақдири учун ҳам жавобгарлик ҳисси бўлиши катта аҳамиятга эга. Мазкур китобда кишидаги мардонавор хислатлар, илмни фақат ўрганиш эмас, унга амал қилиш муҳимлиги хусусида сўз боради. Шунингдек, муаллифнинг шахсиятпарастликка нисбатан иллат сифатида қараши, сиёсат оламига оид шахсий фикрлари ўз аксини топган.

УЎК: 177.82(045)

КБК: 88.52я44

ISBN: 978-9943-6374-2-9

© «Фарғона» нашриёти – 2020

©Ш.Ўктамов – 2020

## МУҚАДДИМА

Сиёсат майдони мумкин бўлмаган заминда, бўлиши мумкин бўлган иштирокчи учун театр майдони каби бўлар. Ҳар бир инсон учун у ва жамоавий ҳаёт ўртасидаги учрашув нуқтаси – сиёсатдир. Эҳтиёткорлик билан сиёсатга қадам қўйганлар учун тартибга солинган принципларнинг пойдеворини яратишга ҳаракат қилиб кўрдик. Бу орқали ўзимизнинг нуқтаи назар ва қарашларимизни баҳам кўришни истадим. Бу ишга муносиб бўлмасак ҳам, муносиб кишилар ўзларига маълум сабабларга кўра бу аҳамиятли ишга қўл урмай турганлари учунгина журъат қилдик. Тафаккуримиз етганича ўзимизнинг воқелигимиз билан боғлашга ҳаракат қилинди. Танқид орқали ҳозирги замон учун аҳамиятли томонларга эътиборни қаратиб, фақат танқид қилиш эмас, балки ҳодисага ҳаққоний баҳо бериш, ундаги ютуқ ва камчиликларни холислик билан ёритишга бел боғланди.

Инсон ўзининг тажриба доирасида доим фаол маслаҳат ва ёрдам бериши керак. Ўз ҳаракатларимиз бошқаларни кўпроқ орзу қилишга, кўпроқ маълумот олишга, кўпроқ нарсани бажаришга ва кўпроқ билишга илҳомлантирса, бундан мамнун бўламиз.

Сиёсий нуқтаи назар ва назарияларни акс эттирадиган жамият ҳақиқатни тўлиқ ифода этаётган бўлиши мумкиндир, аммо сиёсатни тушуниш учун аввал унинг назариясини тушуниш, назаримда, муҳим босқич.

Сиёсат – маблағсиз даромад, аммо молиявий тирикчилик бўлмаса, аравани тузук-қуруқ тортиш мушкул иш бўлиб қолади. Тирикчилик дардида фикру эътиқод, тасаввур даражаси сиёсатнинг жамият ҳаётидаги ролига ортиқча баҳо бермайди. Биз олган нарсаларимизга тирикчилик қилиб, берадиган нарсаларимизни ҳаётга айлантиряпмиз. Тирикчилик усуллари сиёсат масалаларининг мантиғини кўрсатиб қўймоқда. Халқ ҳамма нарсани ҳам кўрмайди, бироқ яхши ҳис қилади. Юқори мартаба эгалари-ю курси соҳиблари ҳам оддий кишилардек ожиз ва хато қилишдан холи эмасдирлар. Ўз амалидан ажралиб қолишдан кўрққан амалдор адолатга тик қараши, дилидагини тилига чиқариши, оқни оқ, қорани қора дейишига ҳамма вақт ҳам ожиздир.

Мен ҳам бир ожиз банда ўлароқ, жамиятимизда аввало бунақа иллатлар бўлмаслигини, қолаверса, бундай воқеа содир бўлиб қолса орамиздан адолат билан туриб айбни ўз гарданига оладиганлар кўпайишини истар эдим. Кишилар, гарчи ўзларининг зарарига бўлса-да, адолат тарафдори бўлишсин.

Умумий халқ тушунчаси сиёсий қарашлардаги фарқларни йўққа чиқаради. Ўзи учун қарор қабул қилиш ва одатий ҳаёт тарзида давом этиш, қарорларни ҳурмат қилиш ҳамда сиёсий нуқтаи назар инсонда эркинлик истагини кучайтираверади.

Мазкур китоб биринчи навбатда шахс даражасида автономияга оид ишларга бағишланиб, унинг сиёсий назариялардаги муаммолар билан боғлиқлигини ҳам кўриб чиқади. Ўз тақдирини ўзи белгилаш замирида, ўз-ўзини бошқариш ғояси доимо мавжуд. Энг яхши инсон ақл-идрок билан бошқарадиган ва ўз бахтига бошқаларга қарам бўлмаган одам бўлади. Инсоннинг хоҳиш-истаклари унинг ўзига хосдир, чунки у ўз

эхтиёжини ўзи ишлаб чиқади ва ўзгартиради. Автоном ва шахснинг ўзини ривожлантириш ғояси ўртасидаги боғлиқлик инсон тараққиётининг мақсади, “ўзини ўзи англаш” ва “шахсга айланиш” сифатида қаралади. Энг ривожланган одам эса автоном одамдир.

Шу ўринда, тафаккур қилайлик. Кимнингки сўзи ҳикматсиз бўлса, у сўз ботил ҳисобланади. Сиёсатда сукут кетмайди. Агар кишилар амалга оширган ишлари билан севинса, мағрурлансалар, бу учун ҳисоб берадилар.

Бу борада “Қалб ихёси” китобида Умар ибн Ҳориснинг “Қадимда эзгу ишларни кўп қилишарди, лекин гапиришмасди. Кейин ҳам қиладиган, ҳам гапирадиганлар келди. Энди эса фақат гапиришмоқда” деган жумлалари ўрин олганлиги бу фикрга ҳақиқат аро суянч бўлади.

Ҳаётда сиёсий башоратчилар бўлмайди. Келажакни башорат қилиш инсонга хос иш эмас, аммо ўтмишни “башорат” қилиб, таҳлил қилиш осонроқ бўлса керак. Тарих яхши ёки ёмон томонлари билан очиқ манба. Уинстон Черчилль “Доимо тарихни ўрганинг, жамиятдаги барча муаммоларнинг ечими тарихда мавжуд” деган. Яна унинг “Агар ортингга ҳам бир муддат қарай олганингда эди, бир оз олдинроқни ҳам кўрар эдинг” деган машхур фикри бор. Зотан, дунё тарихи, бу – буюкларнинг таржимаи ҳолидир. Сиёсатда тасаввур қилиб бўлмайдиган нарсаларни бошқаришга умид қиладиган инсонлар эса “ёмон мураббий”лар ҳисобланади.

Сиёсатни ўрганишдаги қўлланиладиган усуллар сиёсатшуносликнинг пастки соҳасидан юзага келади. Биз статистика, таълим ва бошқа назарияларни умумлаштирган методологияни биламиз. Норматив тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, сиёсий методология

кўпинча ижобий тадқиқотлар учун ишлатилиб келинган.

Сиёсий методология, бу – барча ижтимоий гуруҳларнинг одатда қарама-қарши бўлган манфаатларини аниқлаш ва мувофиқлаштириш қобилияти, давлат сиёсат имиджи, ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари, уларнинг жамият ичидаги жараёнларга таъсири ва нуқтаи назари бўйича мавжуд муаммолар, исталган вазият ва талаб қилинадиган ҳаракатларнинг тўлиқ тасвиридир.

Сиёсий тадқиқотлар нима учун керак ўзи дейсизми? Сиёсат соҳасидаги сиёсатчиларнинг миллатлараро ҳамкорлигини яхшилашга, умумий сиёсат устуворликларини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар бунга жавоб бўла олади. Давлат сиёсати, бу – тизимли ўзгаришларнинг оддий, аммо кучли концепциясини билиши ва сиёсий қарорларнинг натижаларини башорат қилиш демакдир.

“Сиёсат, сиёсат” деб мулозимлардан то фаол фуқароларгача айтилган соҳанинг сиёсатшуносликда доимий эътибордан четда қоладиган ҳақиқатлари ҳам бор экан: сиёсатни ўрганиш орқали, олимлардан фарқли ўлароқ, ҳуқуқий мутафаккир юзага келишига имконият бериш. Бу омма учун сиёсий ҳодисаларни таҳлил қилишга, объектив, қатъий, беғараз усулда ўрганиш ва изоҳлашга, келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларни аввалгидан кўра яхшироқ тушунишга ёрдам берган бўлар эди. Сиёсатга оид бирламчи адабиётлар ҳам, афсуски, кам. Сиёсатга оид адабиётларда эътибордан четда қолган муаммоларни очиқлашга тафаккур доирасида уриниб кўрамиз. Ушбу китоб муаммони кескинлаштиришга хизмат қилиши ва чуқур тушунча бериши ҳамда янги ечимларни ҳам тақдим этиши керак.

Сиёсатни анъанавий “оқилона” атамалар билан тушунтириб бўлмайди. Ибратли сиёсатда эса кўрсатилган механизмларнинг бошланғич нуқтаси – уларнинг қандай талқин қилинганлигида.

Самарали сиёсатчи бўлиш учун нафақат ўрганиш, балки мунтазам ички ва халқаро сиёсий тузилмалар, ҳодисалар бўйича тадқиқотлар олиб бориш ҳам керак. Ва бу тушунтириш берадиган ёзма нашр сиёсий мавзуларни танқидий ва тизимли равишда тушунишга, ўйлашга ёрдам беради. Давлат хизматчиларининг, фаолларнинг, қонунлар ва танланган (тайинланган) мансабдор шахсларнинг мақсадларини, амалга ошириш учун мавжуд имкониятларини текшириш ва баҳолаш жараёни мураккаблиги боис, сиёсат ва мақсадлар ўртасидаги муносабатларни ҳисобга олишда кўмакчи бўлади.

Очиқ-ойдин баён этишга ҳаракат қилинган китобда “катта” тушунчалар билан ишламаймиз. Бу борада, сиёсий назарияларни ўз ичига олган сиёсатшунослик ва халқаро муносабатлар соҳаси мутасаддилари қимматли тадқиқотларини олиб бораверсинлар. Бизнинг йўлимиз ўтмиш ва бугуннинг айбини тузатиш эмас, келажак учун ўзимизни жавобгар сифатида қабул қилишдир.

## САЙЛОВЛАРДАН САЙЛОВЛАРГАЧА

Баъзилар принцип учун партияни ўзгартиради, бошқалар эса партия учун принципини ўзгартиради. Дунё миқёсида қаралганда, сиёсатчининг манфаатли курсига ўтириши, унинг қайси сиёсий партияга аъзолигига бошқа томондан қарагандагина боғлиқдир холос. Сиёсий партиялар масъулиятли ҳукуматни таъминлаш ва халқ иродасини амалга ошириш учун мавжуд. Агар сиёсий партия тўғри ва маънавий сабабни илгари суриш учун асосга эга бўлмаса, у сиёсий партия эмас, бу ҳокимиятни қўлга киритиш учун қилинган “фитна” бўлади. Сайловлар даврида шахсларнинг партия ўзгартириши одатий ҳолат, бунинг аҳамиятлилики даражаси сиёсий партия раҳбариятининг ўзини ҳам қизиқтирмаса керак.

Иймон-эътиқодни азиз диндошларимиз яхши англайдилар. Сиёсий эътиқод борасида гап кетар экан, сиёсий позиция, электорат манфаати ва бошқа амалга ошмас саъй-ҳаракатларни айтиб партия аъзолигини алмаштираётганлар асосий мақсадни, моҳиятини ўзлари ҳам тушунмаса керак. Бу шунчаки шахсий адоватдан ўзга нарса эмас, назаримда. Эътиқод етишмаслигини эса кўпинча эҳтиёткорлик деб номлашади. Ажойиб! Сиёсий эътиқоднинг (виждоннинг) уйғониши ёки мудраши кексайиб қолган инсоннинг ўтмишидан фахрланиб гапириши билан баробар.

Шу ўринда, партия сўзининг бир қанча ноодатий йўллар билан келиб чиқишига аҳамият берсак. “Part” – инглизча тенглик, бараварлик деган маънони англатади. “Part” эса – қисм, улуш ёки тараф деган маъноларга ҳам эга экан. “Party” – йиғилиш, жамоа ёки базм деган турли маъноларни билдиради. Тенглик



маъноси сайловларда асосий тамойил вазифасини бажарса, тараф маъноси кўп ҳолларда ғоя эмас, кимнингдир фикрий маҳсули тараф бўлиш, “тарафкашлик” қилишга хос. Ғояни қўллаш ва ғояда иштирок этиш бир-бирини тўлдиради. Йиғилиш дегани ҳамма учун маълуму аниқ бўлган турли-туман масалаларга бағишланган давомли давралардир.

Энди сайловларга тўхталсак, депутатлик ўринларида кўпчилик ўринни эгаллаш партияларнинг бош мақсади, сайловолди дастурларидаги устуворликлар ҳужжатнинг қалинлиги учун хизмат қилади.

Мамлакатимизда 2019 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлари депутатлигига бўлиб ўтган сайловларда ҳар бир бефарқ бўлмаган инсон сайлов ҳуқуқидан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилди. Сайловолди жараёнини кузатар эканмиз, сиёсий партиялар етакчилари сайловчиларга фақат рақибларининг хатоларини кўрсатиш платформасидан боришди, фойдаландилар. Бу эса яхши иш бўлмади. Таъкидлаш керакки, номукамал сиёсий рақобат кучли манфаатларни ифодаловчи сиёсатчиларга кўпроқ автономия беради. Сиёсатчилар сайловчилар орасида ўзларининг қўллаб-қувватланиши учун рақобатлашиши сайловчилар учун ўз манфаатларига ва афзалликларига мос ва хос равишда танлов қилишларига кўмак бўлиши керак. Демократик сайловларнинг қай даражада муваффақиятлилигини кўриш ё бўлмаса қарши восита сифатида билиш учун оддий сайловчи билан беш дақиқалик суҳбат қилиш ойдинлик киритиб беради. Барча демократик давлатларда демократиянинг асоси, бу – сайлов ҳуқуқи ҳисобланади. Парламент сайловлари бўладими ёки

йўқми, парламентлигича қолади. Амалда “парламент” деган ҳаракат нимани англатишига шубҳа йўқ. Сайлов, бу – сайловчиларнинг оммавий, аммо пассив ҳаракатидир.

Илк бор сайловларда “Демократик дебат”лар ташкил этилди. Сайловолди демократик дебатларини кузатиб чиқарган бир хулосани ҳазил орқали чин маънода айтиб ўтмоқчиман: сиёсатчилар камдан-кам ҳолларда журналистларнинг саволларига тўғри жавоб беришди. Йўғ-е, уларнинг сиёсати камдан-кам ҳолларда тўғри жавоб берди...

Сайловларда оммавий ахборот воситаларининг иштироки ҳам анча эркинлашди. Миллий масс-медиянинг ўрни ва роли қонуний белгилаб берилди. Масс-медиа вакиллари ҳам депутатликка номзод сифатида эътироф этилганлигининг гувоҳи бўлди. Бу борада эса сайловнинг ОАВ моделида янги “тарғибот” юзага чиқди.

Хусусий ОАВ, одатдагидек, тижорий нуқтаи назарни муваффақиятли адо этди. Уларнинг вазифаси ҳам, мақсади ҳам асосан даромад, аслида. Ахборот майдо-нидаги аудиторияни кенгайтирмоқчи бўлса, катта маблағ керак бўлади, катта маблағлар эса тор доирадаги инсонларнинг қўлида бўлиб келган.

Ажабланарли томони, сайловларда партияларнинг шов-шувли митинглари бўлиб, депутатликка номзодларнинг байроқ билан безатилган кўчаларга тўла оташин “кўнгиллилар”нинг қўллаб-қувватлашлари бўлди. Асосий ўзгариш уларнинг митинг ўтказишга қарор қилишидир. Яқинлашиб келган ҳокимият кампанияси билан боғлиқ митинг ҳеч қандай тўсиқсиз бўлиб, юзма-юз учрашиш учун имконият яратди, унда вакилларнинг мажбуриятлари ва ҳаракатлари уларнинг тарафдорлари томонидан баҳоланиши мум-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/5305> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/5305> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/5305>